

Мумтоз адабиётимизнинг энг яхши анъаналарини янги даврда муваффакиятли давом эттирган замондошимиз шоир Аскарали Хамроали ўгли Чархий Кўконда 1900 йилда таваллуд топган. Бошлангич маълумотни эски мактабда олган Аскарали отасидан хусниҳат машқ килишни, онасидан шеър ёзишни ўрганди.

Бўлгуси шоир Хофиз, Саъдий, Навоий, Бедил, газалларини меҳр билан ўқийди. Сулаймонкул Рожий, Мирза Хўкандий каби кўконлик шоирлардан аruz коидаларини ўрганиб, копрок хажвиётга мойиллик кўрсатди. Аскарали Октябр тўнтаришидан кейин Чархий тахаллуси билан шеърлар ёзиб юрган бўлса-да, уларни узок вактгача матбуотда эълон килмайди.

Чархий 1938-1939 йилларда бошлаб, Кўкондаги «Янги Фаргона» газетасида, «Муштум» журналида фаол катнашди. Шоир «Ширин ва аччик» (1959), «Шеърлар» (1966), «Алихўжа ва Хўжаали» (1970), «Девон» (1972) номли китобларини ўкувчиларга тақдим этди. Чархий ижодида лирик шеърлар билан бир каторда, сатирик шеърлар хам алоҳида ўрин тутади.

Чархий мумтоз адабиётимизнинг асосий вазни — аruz системасида ва классик шеъриятниpg турли жанрларида муваффакиятли ижод этган ва уни рпвожлантирган истеъдодли шоирдир. У кўп йиллар давомида Кўкондаги Мукимий уй-музейида илмий ходим бўлиб ишлаб, Мукимийнинг кўп киррали адабий меросини тўплаш ва авайлаб саклаш ишига муносиб хисса кўшган.

1975 йилда республикамиз хуқумати шоир Чархийга Ўзбекистон халк шоири деган фахрий унвон берди.

Чархий истеъдодли газалнавис, ажойиб кўшикчи-шоир, жонкуяр маърифратчи сифатида ихлосмандлари хотирасида ўчмас из колдирди.

У 1979 йил 18 декабрда Кўконда вафот топди.